



Амир Темур ва темурийлар замони давлатчилик сиёсати, бошқарув тизимини кўриб чикмокчи эканмиз, давлат, давлатчилик мохиятида муайян бир макон ва жамиятда мавжуд турли имкониятларни шу ерлик халқ манфаати йўлида юзага чикарувчи ташкилотчилик ётганини эслатиб ўтиш гоётда муҳимдир. Зеро, давлат асослари, давлатчилик ҳар бир жамият ва халқ «бошига бир марта битилган бўлади». Шу маънода ўзбек давлатчилиги милоддан аввалги 1-мингйилликнинг биринчи ярмидан ўз тарихини бошлаб то Амир Темур давлатимиз тепасига келгунга қддар деярли 2100 йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтганди. Бу улкан давр ичида давлатимиз бошқарувига турли сулолалар (бугунги тилда айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турли объектив-субъектив шарт-шароитларда турлича кечди. Биз мазкур масалага ургу бераётганимизнинг бир неча сабаби бор.

Биринчидан, биз Амир Темур давлати, Темурийлар давлати каби кенг тарқалган тушунчаларга қаршимиз. Зеро, давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, Амир Темур давлати эмас, ўзбек давлатчилигининг Амир Те-мур бошқарган босқичи дейилса ҳар тарафлама ҳақиқатга мос тушади.

Иккинчидан, Амир Темур давлати тушунчаси давлатчилигимизнинг ҳам унғача бўлган, ҳам ундан кейинги тараккиёт йўлини узиб қўяди (бу фикр бошқа сулолавий давлатларга ҳам тегишли, албатта). Бу ўз ўрнида, бир томондан, тарихни сохталаштирса, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги босқичий жараёнлар, масалан, яна ўша Амир Темур даври мохиятини англашни қийинлаштиради. Зеро, ҳатто соф илмий нуқтаи назардан олганда ҳам мушоҳада жараёнда кузатилгандагина тўликланади, ҳулоса учун имкон яралади.

Учинчидан, биз ўзбек давлатчилиги моҳияти ва имкониятлари ҳақида қанчалик сўзламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувоҳи (бугунги кун нуқтаи назаридан эса қурувчиси) бўлмас эканмиз, гап-гаплигича қолаверади. Шу маънода Амир Темури даври давлатчилигимизнинг моҳияти ва имкониятлари қўламини амалда юзага чиқариб берганлиги билан ҳам гоётда муҳимдир (албатта, ўз даври шароитида).

Шундай қилиб, Амир Темури даврига қадар ўзбек давлатчилиги 2100 йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтган экан, шунга қўра биз биринчи ҳулосани қилишимиз мумкин. Амир Темури даври давлатчилик тизими муайян бир ўтмишга, анъаналар, тажрибалар, сабоқлар, қонуниятларга асосланган ҳолда ташкил қилинган. Шу ерда ақли савол тугилади: бу ўтмиш йўл қонуниятлари, тажрибалари, яъни давлатчилик асослари нималарда ўз аксини топгани ва Амир Темури давлатимизга раҳбарлик қилган йиллари уларга қандай муносабатда бўлинди? Саволни шу тариқа қўйиш ниҳоятда муҳим. Зеро, бизнинг тушунчамизда давлат арбоби, сиёсатчи салоҳияти (ва бундан келиб чиқадиган буюклиги), энг аввало, унинг давлатчилик асосларини нечоғлик теган англаб олиши ва амалда унга риоя эта билиши билан белгиланади. Бу гоётда оғир вазифадир.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темури даврига қадар шаклланиб қамонлар синовидан ўтган асослари қуйидагилардир:

1. Давлат ўз вазифасини бажармоғи учун, энг аввало, сиёсий жихатдан мустақил бўлиши керак.
2. Давлат ва қамият сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак.
3. Давлат ва қамият муайян бир қонунлар, тартиблар, мафқура асосида бошқарилмоғи лозим.
4. Бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланиб бўлиши даркор.

5. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ахволи (тараккиёти) давлат диккат марказида турмоги лозим.

6. Фан ва маданият равнаки тўғрисида доимий кайгуриш давлат ахамиятига молик катъий сиёсат сифатида қаралмоги лозим.

7. Хар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараккиёти масалаларини ташки дунёда мавжуд омиллардан фойдаланган холда ҳам хал этиб бориши даркор.

8. Давлат гепасида турган кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, катъий иймон, гоятда юксак маънавиятпарварлик ва миллатпарварлик ила англамоги керак.

Мазкур саккиз асос конуният сифатида шаклланган эди. У ёки бу замонда улардан фойдаланилдимми ё йўқ, бу бошка масала. Бирок Амир Темурнинг ўзбек давлатилиги тарихида тутган буюк ўрни шундаки, у ўзининг бутун фаолияти мобайнида ана шу асосларни рўёбга чиқара олди. Яъни 150 йиллик қарамликдан сўнг давлатимиз сиёсий мустақиллигини тиклади; ўз даврида мавжуд шариат, тўро-тузуклар асосида жамият ҳаётини бошқаришни йўлга қўйди; марказлашган давлат тизимини яратдики, ўз замонаси учун бу дунё микёсидаги тараккийпарвар вокса ҳисобланганди; иқтисодий муносабатлар (дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик) ривожини учун барча ички ва ташки шароитларни барпо этишга каттик киришди; ижтимоий муносабатларни (солик тизими, мулкчилик, турли ижтимоий табақалар манфаатини назарга олиш ва хоказо) муҳим деб билди; ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охиригача фан ва маданият равнакига алоҳида диккат билан қаради; ўз даври шарт-шароитига кўра ташки сиёсатда катъий ва фаол ҳамда мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, давлатни салғанат мавқеига олиб чиқди; ўлкани дунёнинг энг буюк сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантди; асосида яққаҳукмронлик мазмуни ётган жамият бошқарувида биринчи раҳбар қандай бўлиши кераклигини намоён этиб кетди.

Шу билан бирга Амир Темур мазкур саккиз асосни яна бир муҳим — тўққизинчи асос билан бойитди. У ҳам бўлса, жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Амир Темур бўйича бундай табақалар 12 та бўлиб, уларда жамиятнинг барча таркибий қисмлари ўрин олган. Диккатга сазовор томони шундаки, тузуклар баёнида Амир Темур табиий равишда дин ва шариатни биринчи ўринда таъқидлаган холда ижтимоий табақаларга бўлган

муносабатни бошқа йўналиш ва масалалардан устун қўяди. Демак, Амир Темур даврида давлатимизнинг тўққиз асоси ўз ижобий ечимини топган ва худди мана шу тўққиз асос Соhibкирон юритган давлатчилик сиёсатининг тўққиз томонини ташкил этади.

Юкорида давлатнинг сиёсий мустикаллиш ва мамлакат яхлитлиги борасида Амир Темур олиб борган фаолият билан қисқача танишиб ўтдик. Қуйида унинг давлат бошқаруви, давлатчилик ва ҳарбий сиёсат борасидаги ҳаракатларини лўнда тарзда ёритишга уриниб қўрамиз.

Чингизийларнинг ўлкадаги ҳукмронлиги барча соҳалар тараккиётида салбий асорат қолдиргани ҳақида сўз айтдик. Давлат бошқаруви соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Умуман бошқа, қўчманчи шарт-шароитда шаклланган сиёсий дунёқараш ва тарбия чингизий намояндалар учун маҳаллий бошқарув аънаналарини қабул этишга йўл бермасди. Шу сабабдан ҳам аввалги даврларда кечган давлатчилик бошқарувидаги қўп асрлик тажриба ва аънаналар чингизийлар ҳукмронлиги замонида амалда ўз давомийлигини топа олмади. Агар бу давр бир ярим аср кечгани назарда тутилса, шу соҳадаги аҳвол нечоғлик оғирлашиб қолгани маълум бўлади. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган хизматларидан бири шундаки, у 150 йиллик узок бир давр ўтиб, шунинг орасида одатлар, аънаналарда каттадан-катга ўзгаришлар содир бўлганига қарамай, қадимдан мавжуд бўлиб қелган ўзбек давлатчилиги бошқарув тизимининг (биз ҳатто илмининг деган бўлардик) классик намуналарини қайтадан тиклай билди. Ниҳоятда мушқул бўлган бу вазифани у донолик билан ҳал эта олди.

Демак, Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девонларга (вазирликларга) бўлинган.

**Даргоҳ — энг олий давлат идораси.** Унинг бошлиги ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори. Амир Темур давлат тепасига қелгандан сўнг чингизийлардан бўлмиш Суйургатмишни хон, яъни олий ҳукмдор деб эълон қилгани маълум. Шу билан бирга Суйургатмиш «сохта хон» мавқеида бўлиб, амалдаги ҳокимият Соhibкирон ихтиёрида бўлганини ҳам биламиз. Нима учун шундай қарама - қаршилиқ юзага қелганди, саволи тугилади. Чингизийларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги мамлакат ҳаётида катта таъсирга эга бўлганини таъқидлаган эдик. Сиёсий муносабатлар, қарашлар, одатлар жамиятнинг энг қайноқ соҳаларидан бири сифатида янгилик ва ўзгаришларга бой бўлади. Масалан, улус бошлигининг биёбондан қароргоҳ қуришини олайлик. Мамлакатимизда асрлар давомида давлат бошлигининг қароргоҳи шаҳарларда қанчалик табиий бўлиб қелган бўлса, чингизийлар даврида, аксинча, хон биёбондаги қароргоҳда туриши қерак, қабилдаги ақида сиёсий муҳитга қаттиқ сингиб қетганди. Шунга ўхшаш ўзгаришлардан

бир канчаси мазкур бир ярим асрлик жараёнда ўз ўрнини топиб олганди. Гап уларнинг тўғри-нотўғрилигида эмас. Мухими Амир Темур давлат тепасига келган пайтда улар жамият ҳаётидаги воқеликни ташкил этарди. Сохибқирон буларни назарда тутмасдан иложи йўқ эди. Ик кинчи томондан, 1370 йили мамлакатда Амир Темурдан бошқа ҳам яна бир канча кудратли амирлар, уларни кўллаб-қувватловчи ижтимоий-сиёсий кучлар бор эди. Улар ҳам зимдан ё очикчасига мустакил сиёсат юргизиш, хатто олий тахтни эгаллаш ниятида бўлганлар. Бундай шароитда Амир Темур ўзини расман хон деб эълон қилмасди. Чунки бу рақибларга бахона бўлиб, норозилик ва хуружларга туртки бўлиши турган гап эди. Зеро, худди шу йиллар таомилига кўра сиёсий ҳокимият чингизийлар хонадони ихтиёрида бўлиши керак эди. Учинчи томондан, Суйургатмиш хон деб кўтарилганда хали амир Хусайн масаласи хал бўлмаганди, аниқроғи хал бўлиш арафасида эди. Амир Хусайн эса ўз вақтида Кобилшоҳни (1364), сўнг Одил Султонни (1365) расман хон деб эълон қилганди. Демак, Амир Темур томонидан Суйургатмишнинг хон деб эълон қилиниши Одил Султон «хонлиги»ни, яъни амир Хусайн ҳукмдорлигини бекор этиш билан баробар ҳисобланарди. Хуллас, мазкур масала ўша замон воқелигидан келиб чиқиб Амир Темур ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган. Сохибқирон учун бу пайтда муҳими ҳам аслида шу эди.

Амир Темурнинг чингизийлардан бўлмиш Қазонхоннинг кизи Сарой Мулкхонимга (1337—1408) уйланиши, яъни хон авлодига куёв (кўрагон), қариндош бўлиши ҳам унинг сиёсий мавқеини расман бўлса ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бундан ташқари Чигатойхон амирларидан Қарочар барлос Амир Темур авлоди эканлиги ва у ўз вақтида Чигатойхон улуг амири сифатида ўлкани бошқаргани (Шомий ёзишча, гўё «Чингизхон Чигатойни Қарочарга топширган») ҳақидаги ярим ҳақиқат, ярим афсона ҳам таомилга қиритилган. Ярим ҳақиқатлиги шундаки, Чигатойнинг Қарочар барлос номли мингбоҳиси бўлган. Аммо ишончли манбаларда унинг хон номзоди сифатида мамлакатни бошқаргани ҳақида сўз йўқ. Шу маънода Яздий «Зафарнома»сида келтирилган Амир Темур аждодларига оид шажара гирт афсона ва тўқимадир. Зеро, унга кўра гўё Амир Темур уруги Чингизхон уруги билан амакивачча. Бу ҳеч бир ҳақиқатга тўғри келмайди ва уни исботловчи бирон-бир тарихий маълумот йўқ. Шунга қарамай баъзи бир ҳолларда Амир Темур шахси ва фаолиятини, демак, ўзбек халқи тарихи ва маданиятини камситишга уринувчилар мазкур афсонадан «унумли» фойдаланадилар, яъни Амир Темурни Чингизхон ва мўғуллар билан боғлаб кўрсатишга уринадилар.

Демак, даргоҳ бошида амалда Амир Темур турган. Мамлакат ва давлат аҳамиятидаги масалалар унинг ҳукми ва кўрсатмаси асосида хал этилган. Шу билан бирга даргоҳца вақти-вақти билан хос мажлислар ўтказилиб турилгани маълум. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, муҳими мансаб ва вазифаларга тайинлаш каби масалалар кўриб чиқилган. Бундай тадбирлар гоётада тор доирада ўтказилиб, давлат аҳамиятига молик масалаларнинг четга аён бўлишидан ниҳоятда сакланилган. Чунончи, махсус қотиб мажлис баёнини махсус дафтарга тушириб

борган. Афтидан, кейинги мажлисда ана шу баён асосида илгари қабул қилинган қарорлар, турли қоралар натижалари текшириб қорилган.

Амир Темурнинг даргоҳ фаолиятини бошқариш, одамлардан унумли фойдаланиш, уларни ўз атрофига тўплаш, катта-кичик тадбирларни ташкил қилиш борасида тутган йўлини «Тузуклар»даги баёнлардан яққол кўриш мумкин. Чунончи, Соҳибқирон шундай ёзганди: «Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини аңғладим. (Донишмандлар) демишларким, ўз ўрнида қўлланган тадбир билан қўплаб лашқарнинг қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж лашқарни еңгиб бўлур. Тажрибамда қўрилганким, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр, жанг қўрган, мард, шижоатли бир киши мингга тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради... Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр киши мулоҳазакорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозим. Шунинг учун Пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, ҳар бир ишни қилишга қиришар эканман, аввал обдон ўйлаб, (амирларим билан) кенгашдим. Маслаҳатчилар ва кенгаш ақли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмони, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини қўнғилга келтирардим. Унинг хатарли томонларига қўпроқ эъти- бор берардим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларимнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга қиришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тад-бир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик қўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узокни қўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим».

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечган жараён билан боғлиқ туриш ишини олий де-вон олиб қорган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга девонбеги бошқилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мақоми шу қадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам қузатилади. Олий девонда ҳар қуни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, харбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб ўзига ҳос равишда ҳисобот бериб турганлар. Афтидан, бунда вазирликлар тегишли қўрсатмалар олиб турган бўлишлари қерак. Сарҳад ва бошқа тобе мамлакатлар бошқаруви билан боғлиқ яна уч вазирлик ҳам девонбегига ҳисобот берганлар.

Даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири бу — арзбегидир. Унинг хизмати даргоҳга арз-дод, шикоят билан қелганлар ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз

муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб, тушган арзлар, шикоятлар, тақлифларни олий ҳукмдорга етказиб туриш га масъулликдан иборат эди. Бундан ташқари даргоҳда адолат амири лавозими мав-жуд бўлиб, у турли ўлка ва шаҳарларда «сипоҳ ва райийат орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида» боҳабар бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот ет-казиб турган. Демак, жойлардаги аҳволдан боҳабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: бири пастдан юқорига, яъни арзчилар тўғридан-тўғри даргоҳ-га мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар, иккинчиси — махсус хизмат орқали жойлардаги вазият давлат томонидан, аниқроғи, олий ҳукмдор даргоҳи орқали текширилиб берилган. Мана шу икки йўл билан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тарғибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида рўй-рост маълумот олингач, сўнг махсус вакиллар — аминлар (яъни ишончли вакиллар) жойларга бориб воқеани ўрганиб тегишли чоралар кўрганлар. Чунончи, бирон кишига нисбатан зулм, адолатсизлик қилинган бўлинса, адолатни тиклаб ўша ер маҳаллий хазинасидан уларга тўлов ажратиб қайтганлар. Аминлар ўзлари тафтиш қилган ишлари, кўрилган чоралар ҳақида кейин ёзма ҳисобот берганлар. Аминлар вазифасига бундан ташқари тобе ерлар тўловини йигиб қелиш ҳам қилган.

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан яна бири бу — тавочидир. Тавочи олий фармонга кўра жойларга бориб харбий юриш учун лашқар тўплаш билан шугулланган. Бу вазифа гоётда муҳим аҳамият касб этгани учун Шарафиддин Али Яздий муболага билан уни олий ҳукмдордан кейинги юқори даражадаги давлат мансаби деб баҳолайди. Албатта, бундай таърифда ҳам жон бор. Зеро, лашқар тўплашни курук фармон етказиш деб тушунмаслик керак. Маълумки, тобе ўлкалар, ҳукмрон сулола вакиллари, нуфузли амирларга тақсим қилиб берилган юртлар олий кўрсатма бўлганда тегишли хар-бий куч билан хизматга шай туришлари кўзда тутилган. Тавочилар эса худди мана шу аввал бошдан белгиланган лашқар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси, таъминоти кўнгилдагидек талабга жавоб бериши, кўрсатилган жойга муайян йўл билан ўз вақтида етиб бориши каби гоётда масъулиятли тадбирларга жавобгар бўлганлар. Мазкур муаллифнинг гувоҳлик беришича, тавочилар бош тавочи, пиёда аскар тавочиси қабиларга тақсимланган. Бош тавочилар туманот (ўн минглик), хазоражот (минглик), садажот (юзлик) етакчиларидан! вилоят катталаридан кўшинни ўз вақтида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиб бериш тўғрисида тилхат олганлар. Шу билан бирга тавочи харбий юриш чоғида кўшинларнинг жойлашуви, берилган буйруқларнинг ижро этилиши (масалан, душман истех-комлари девори остидан лаҳм қавлаш) ҳамда тинчлик пайтларида катга қурилишларда иш тақсимлаш қабилар билан ҳам шугулланган. Чунончи, Байлакон каналини казишда 35—40 км масофани хар бир харбий қисмга тақсимлаб беришга тавочилар бош бўлган.

Даргоҳда шунингдек бош хожиб, хожиблар, расмий тадбирлар бошқарувчиси ва ташкилотчилари, хазинадор, хонсолар (даргоҳда ва олий фармон билан бошқа ерларда, масалан, юришларда ўтказиладиган тўй, базмлар, катта зиёфатларда дастурхон тузатишга бош-қош бўлувчи), жибочи (қурол-аслаҳа сакловчи), қушчи (подшоҳона овлар

уюштирилганда махсус ўргатилган ов қушларини олиб юривчи ва парвариш қилувчи) ва мана шу хизматни бошқарувчи қушбеги, бақовулбоши (сарой ошпазларининг бошлиги), қотиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, газалхонлар, фаррошлар қаби қатта-қичик вазифалар, таблхона (ноғорахона), дорихона қаби хизматлар бўлгани маълум.

Ижроия тизими, юқорида айтилганидек, марказда вазирликлар фаолиятида мужассамлашган. Қези қелганда шуни таъқидлаш қеракки, қингизийларнинг 150 йил ҳукмронлиги даврида махаллий бошқарув тизими анъаналари поймол қилинган бир шароитда Амир Темур биз сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар қамонида шохиди бўлганимиз, ижроия ҳокимиятининг вазирликлар тизимини қайтадан қонлантира олди. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги олдида қилган қатта хизматларидан бири ҳам шунда. Яъни у бир неча асрлар давомида шаклланиб қелган давлатчилигимиз ижроия тизимидаги бошқарувнинг қлассик шаклларини тиклай олди. Бу ниҳоятда қадрли ва тарихий хизматдир.

Энди тўғридан-тўғри вазирликларга ўтсак.

**Биринчиси — мамлақат ва райийат вазири.** У мамлақатнинг муҳим ишлари, қундалиқ муомалалар, халқ ақволи, вилоятларда олинадиган ҳосил, солиқлар, уларни тақсимлаш, қирим-қикимлар, ободончилик ишла-ри, ақоли қаровонлиги, ҳазина ақволи қаби муҳим юмушларга қавобгар бўлган. Мазқур масалалар юзаси- дан олий ҳукмдорга тегишли маълумот ва ҳисоботлар бериб турган. Агар мазқур вазирлик вазифасини олдинги давр ижроия тизими билан таққосласак, у ҳолда сўз бу ерда бош вазир ҳақида қетаётгани маълум бўлади.

**Иккинчиси — харбий вазир.** У харбийларнинг маоши, алоҳида хизматлари учун уларга тухфа қилинган ер-сувлар бошқаруви (яъни назорат ва қайд этиш маъносида), қурол-аслаха таъминоти, харбий қўриқларни тайёрлаш, қангларда қарадор бўлиб хизматга қарқисиз бўлганларга нафақа тайинлаш, истеъфога қикқан харбийлар тўғрисида қайқуриш қаби масалалар билан машқул бўлган.

**Учинчиси — мулкчилик ва солиқ ишлари вазири.** Бу вазирлик турли сабабларга қўра эғасиз қолган мол- мул қларни назоратга олиш, савдоқарлардан қарқот ва бож олиш, мамлақат қорвалари, ўтлок-қайловларни бошқариш, уларнинг барқасидан тушадиган даромадларни саклаш, мулкчиликдаги меросқўрлик тартибларини амалга ошириш (масалан, қойиб бўлганлар, ўлганларнинг мулкини ворисга топшириш) қаби вазифаларни



бажарган.

**Тўртинчиси — бутун салтанат ндораларининг кирим- чикимлари, хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар хисобини олиб борувчи молия вазири.**

«Темур тузуклари»да молия вазири масъулиятига тегишли диккатга сазовар бир тузук бор: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб (хазинадан бирон маблағни) ўзлаштириб олган бўлсалар (аввал текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улўфа (яъни маош — А. З.) микдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совга — инъом ўрнида берил- син. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баравар ортиқ бўлса, ортиги оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баравар кўп маблағ олинган бўлса, хаммаси (салтанат хазинасига) тортиқ сифатида олинсин».

«Темур тузуклари»да мазкур тўрт вазирликдан ташқари яна **уч вазир** хақида сўз қетиб, улар салтанат тарқибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомалалар ва қеладиган даромадларни бошқарганлар. Агар салтанат худуди ва унга қирган сарҳадлар қўлами назарга олинса, хақиқатан ҳам у ерлар билан боглик молия-даромад ишларини ташқил қилиш учун уч вазирлик таъсис этилишини асосли деса бўлади.

**Сакқизинчи вазирлик бу адлия вазирлигидир (девони мазолим).** Қези қелганда шуни алоҳида қайд этмок қеракки, бу вақтда адлия, яъни суд тизими учга бўлинган эди. Адлия вазирлиги тўғридан-тўғри фуқаролар ё, манба тили билан айтганда, дунёвий ишлар билан шугулланган. Харбий суд (лашқар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият қўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шугулланган. Қўриб турганимиздек, бу соҳада ҳам Амир Темур даврида илгариги анъаналар давом эттирилган. Суд тизимидаги тақсимот эса бизларда бир неча асрлар муқаддам амалга ошиб қелганини мазкур давр мисолида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Қонун, ўша замон тартиблари олдида жавобқарлик барчага баробар бўлган. Масалан, Амир Темурнинг набираси Пир Мухаммад ибн Умаршайх ўз қилмиши учун девони мазолимда қаттиқ сўрок қилиниб, айби аниқлангач, шунга яраша жазо берилгани ва бу ҳақда шахсан Амир Темурнинг ўзи фармон бергани тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Илгариги сулолалар даврида мавжуд бўлган вақф ишлари вазирлиги хизмати Амир Темур даврида садрлар садрига (садрлар бошлиғи) юқлатилган. Гарчи вазирлик тизими маъносида тилга олинмаса-да, аммо мазкур хизмат моҳияти сақланиб қолган. Бошқача

бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки вакф мулкчилиги сакланганди.

Шунга ўхшаш ўтган замонларда таъкидланган хабар ва почта вазирлиги шаклан тилга олинмаса-да, аммо мазмунан бу вақтда ўзининг энг юксак раванк даражасига кўтарилганди, десак тўғри бўлади. Зеро, улкан салтанатни мақсадга мувофиқ равишда бошқариб боришда унинг турли бурчакларида содир бўлаётганлардан бохабар бўлиш, марказдан буйруқ, фармон, кўрсатмалар жўнатиш, марказга турли хужжат, ҳисобот ва хоказоларни етказиш, ташки сиёсий-дипломатик муносабатларни пухта ва тезкор равишда йўлга қўйиш каби юмушларни катга салоҳият ва гайрат билан амалга оширишга тўғри келарди.

Ўз ўрнида бу борадаги тадбирлардан савдо-сотик муносабатлари нечоғлик ютишини тасаввур қилиш мумкин. Гапнинг қисқаси, хабар ва почта хизмати аҳамиятини аввал бошданок яхши тушунган Амир Темур ўзининг дастлабки фармонларидан бирида уни йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма берган. Уша замон гувоҳларидан бири Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бутун салтанат узра бир кунлик йўл оралигидаги ҳар бир масканда тўхташ жойлари бино этилган бўлиб, уларда 10 тадан 200 тагача от-улов сакланган, махсус хизматчилар фаолият кўрсатган. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган. Даргоҳдан ё даргоҳ томон жойлардан, хизмат юзасидан йўлга чиққан ҳар бир шахс ё гуруҳ мазкур жойларда тўхтаб дам олиб, отларни алмаштириб яна йўлда давом этаверган. Хайратга соларлик томони шундаки, улкан салтанатнинг ҳар бир бурчагидан Самарканд томон йўналувчи йўлда шу тартиб жорий қилинган. Улар ҳатто аҳоли турмайдиган ерларда ҳам ишлаб турган. Чунончи, испаниялик элчилар Табриздан (ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбидан) Самаркандгача бўлган сафар чоғида бундай тартибни ўз кўзлари билан кўрганлар. Тартиб гоётда катъий бўлган. Масалан, мазкур хизматдан фойдаланаётганлар минган от йўлда, тўхташ жойлардан йироқда яроксиз бўлиб қолса, йўлда учраган отликнинг, ким бўлишидан катъи назар, амирми, харбийми, ҳатто олий ҳукмдорнинг ўғлими, отини олиб миниб кетишга ҳақли бўлган. Бир сафар шундай ҳолатда Амир Темурнинг катта ўғлининг отидан фойдаланган эканлар. Бу борадаги тартиб ва аҳвол хусусида янада аниқроқ маълумотни Хофиз Абру қолдирган. Унга кўра, Самарканддан қайси бир томонга йўлга чиқилмасин бир ой ё икки ой йўл юриладими, ҳеч ким ҳеч қачон қўчада қолмаган. Тўхташ жойлари бир йўла ҳатто 1000 кишини қабул қилиши мумкин бўлган.

Амир Темур ва умуман теурийлар даврида ташки сиёсий-дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Атбатга, бунда тегишли давлат муассасаларининг роли бўлгани табиий. Бундан ташқари аср бошларида биз ташки алоқалар, ёзишмалар буйича ижроия ташкилотлари ишлаб келганини кўрдик. Клавихонинг Самаркандда элчилар билан шугулланувчи махсус амирлар хизмат қилгани, элчиларни кутиб олиш, қузатиш билан боғлиқ тадбирларни уюштиришга оид гувоҳликларини инобатга олиб

хулоса килиш мумкинки, ташки алоқалар, элчилар, халқаро ёзишмалар билан шугулланувчи хизмат бўлган. Афтидан, бу хизмат ижроия тизимида эмас, даргоҳ таркибида фаолият кўрсатган.

Хох даргоҳ, хоҳ ижроия тизими бўлсин, давлат хизматлари қандай пухта ва аниқ ишлаганини Клавихонинг куйидаги гувоҳлигидан билиб олиш мумкин. Хар бир маслаҳатчи, яъни йирик амалдор ўз битикчиси ва қайд дафтарига эга экан. Битикчилар ўз бошлиқлари кўрсатмасига мувофиқтурли хужжатлар, масалан, ёрликлар ёзиб тайёрларканлар, албатта, бу ҳаққа қайд дафтарига ёзиб ёрликка тегишли белги (ракам) қўйганлар. Кейин эса ёрлик йўриқчига топширилиб, у унга муҳр босган ва мазкур масалага дахлдор хизматларга юборган. Хуллас, хужжат яна 3—4 амалдор назоратидан ўтиб уларнинг муҳрлари босилгандан кейингина олий ҳукмдор муҳри урилган. Шундан сўнг бу хужжат конун қучини олган.

Икки огиз сўз давлат хизматчилари ҳақида. Доим бўлганидек давлат хизматига олинадиганларга қатта талаблар қўйилган: улар ўқимишли, кенг билимли ва дунёқарашли, ҳалол бўлишлари керак эди. Бу борада Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида шундай ёзади: «Амр қилдимки, вазирлар тоза наслиқ, ақл-фаросатлик, халқ аҳволдан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалиқ, сабр-қидамлик ва тинчликсевар» бўлмоғи керак. Бундайларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин. Қайси вазир гийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёкмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, наслию зоти ёмон, ҳасадчи, қина-кек сакловчи, қора қўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузучи, қора қўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди».

Маҳаллий бошқарув ҳақида сўз кетса, аввал шуни қайд этиш керакки, салтанатнинг одатда ҳукмрон сулола намояндалари ва шу хонадон таянчи бўлмиш харбий-сиёсий қучлар ёрдамида идора этилишини қўп бора қўрдик. Темурийлар даври ҳам бундан мустасно эмасди. Табиий равишда Амир Темур салтанатни бошқаришда, энг аввало, ўз ўғиллари ва авлодларига суянди. Чунончи, у салтанатни бир қанча улусларга тақсимлаб, Мовароуннаҳр яхлитлигини сақлаган ҳодда бошқарди. Хар бир улуснинг ҳам ўзига яраша даргоҳи ва вазирлари бўлган. Аммо марказий бошқарув тизимидаги қаби кенг тармоқпи бўлмай, муайян ҳудуд доирасида олий даргоҳ ва ижроия тизими олдида жавобгарлик ҳолатида фаолият кўрсатган.

Алоҳида кўрсатган хизматлари учун йирик амалдорлар, харбийлар, дин пешволари ҳазда бўйсундирилган собиқ ҳукмдорларга шахсий хизмати ва шароитга муносиб равишда бирон ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) тортик (суйурғол) қилинган. Масалан, Амир Темур ўз

пири сайид Баракага Андхудни тортик килгани маъ-лум. Ана шундай холларда, «Тузуклар»да ёзилишича, хар бир суйургол килинган вилоят ё мамлакатга иккитадан вазир тайинланган. Биринчиси — йигиладиган соликларни кайд этиб, ахоли ахволидан бохабар бўлиб туриш, иккинчиси эса йигиладиган даромадлар кай тарзда харж килинаётганини хисобга олиш, шу ерда мавжуд харбий қисмларга бериладиган маош таксимоти билан шугулланиш кабилар билан банд бўлган. Фараз килиш мумкинки, мазкур вазирлар оркали марказ жойлардаги молиявий, солик, ижтимоий ҳолат масалалари бўйича тўғридан- тўғри маълумот олиб турган. Афтидан, бу вазирлар юкорида тилга олинган марказий ижроия тизимидаги сарҳадлар бўйича уч вазирлик назорати ва ҳамкорлигида фаолият кўрсатган. Суйургол ерларга махсус вазирларни тайинлашнинг амалий томони бўлгани шубҳасиз. Зеро, суйургол эгалари ўзларига тор-тик килинган жойлардаги ахолидан олинадиган давлат соликларини тўлалигича ё маълум бир улушини ўзла-рига олишлари назарда тутилган. Бу борада меъёрдан чиқиш, ахоли норозилигига сабаб бўлувчи ишларга кўл уриш умуман салтанат кудратига путур етказиши тур-ган гап эди. Шунинг учун ҳам марказ жойларда ўз вакилларига эга бўлгани табиий.

Шахар, туман микёсидаги бошлиқлар доруга, қалъа бошлиқи кутвол дейилганини эслатиб ўтиш жоиз.

Энди кўриладиган даврда конунчилик, жамият ва давлат бошқарувидаги конун ва тартиблар хақида тўхталиб ўтсак. Темурийлар, хусусан, Амир Темур даври конунчилигини ёритишда унинг «Тузуклар»и гоятда кўл келади. «Бу тузуклардан, — деб ёзади муаллиф, — (қелажакда) салтанат ишларини бошқаришда кўлланма сифатида фойдалангайлар»<sup>3</sup>. Демак, «Тузуклар»ни ёзишдан мақсад жамият ва давлат бошқарувида зарур хисобланган конун-қоидалар, яъни тузуклар мажмуини яратиш бўлган. Агар ундаги баъзи бир қайтаришлар, шахсий мулоҳазалар ва «лирик кечинмалар»ни олиб ташласак, ихтиёримизда ўша даврнинг асосий конунлари (конунчилиги) мажмуи гавдаланиши турган гап.

Умуман давлатчиликнинг ўрта асрларга хос, хусу-сан, ўзбек давлатчилиги тарихида давлат тепасида тур-ган биринчи шахсга жуда кўп нарса боғлиқ бўлганини биламиз. Хар бир жамият ўзига муносиб ё ўзи муносиб бўлган ҳукмдорга эга бўлади, хикмати ҳам худци ўша замонлардан қолган ва ўша замон воқелигини акс эттиргани шубҳасиз. Шу маънода Амир Темур даври конунчилиги нафақаг унинг шахсияти, балки ўша жа-мият дунёқараши, одатлари, талаб ва имкониятлари кабилар билан боғлиқ бўлгани аниқ. Юкорида биз ало-ҳида гаъқидлаган давлатчилигимиз асосларига Амир Темур томонидан сингдирилган тўққизинчи асос — барча ижтимоий табақалар фаолияти ва манфаатларини назарда тутиш ўша замон конунчилигининг бош бўгинини ташкил этган. Амир Темурнинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: «Давлат устунлари ўн икки

табака ва тоифадаги кишилар билан кувватланади». Агар кайтаришларни истисно этсак, бу табака ва тоифа куйидагилардир: сиёсатчилар, дин пешволари, харбийлар, амалдорлар, зиёлилар, савдогарлар, хунармандлар, дехконлар, чорвадорлар. Кўриниб турганидек, бу ерда барча ижтимоий табакалар мужассамлашган. Гап «хукмрон синф» ё бирон-бир алохида табака устида эмас, бутун жамият аъзолари ва улар тегишли бўлган тоифалар устида кетмоқда. Мазмун эътибори билан Амир Темур мазкур 12 табакага муносабатидан сўнг куйидагиларни ёзади: «Давлат ишларини салтанат конун коидаларига... тўро-тузукка таяниб... амирлар, вазирлар, сипох, раиййат — хар бирини ўз лавозимига ва мартабасига» караб бошқардим. Гарчи бир караганда хакикатан ҳам Амир Темур бошқаргандек туюлса-да ва бунда хакикат бор, аммо шу билан бирга аслида жамият ва салтанат шариат ва тўро-тузуклар, яъни ўз даври конунчилиги асосида бошқарилган.

Шариат деганда ўша замонларда мусулмон жамиятидаги муайян бир ахлокий-хукукий нормалар англамоғи керак. Зеро, «тўгри йўл» мазмунини берувчи шариат (Аш-шариа) асосида Куръон ва сунна ётса-да, лекин у аслида фикх (хукук ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний-ахлокий манба бўлиб хизмат кил-ган. Демак, хулоса килиш мумкинки, жамият хаётининг турли сохаларини бошқаришда кадимдан жорий бўлиб келган конунчилик (тузукчилик) ва мусулмон конунчилиги (фикх) имкониятларидан ҳам фойдаланилган.

Албатта, бу ерда ўрта асрларга хос ва мос якка хукмронлик бошқарув тизимида олий хукмдорнинг ўрнини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Зеро, унинг хар бир фармойиши амалда конун кучини олган. Шу маънода «Тузуклар»да келтирилган «Ахолини йўл-йўриikka солиш ва маош тайинлаш», «Раиййатдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва кжсалтириш, унинг ободончилиги, хавфсиалигини амалга ошириш», «Сипох саклаб туриш», «Вазир тутиш» каби катор тузуклар тахлили эътиборга моликдир. Уларда хар бир алохида ижтимоий йўналишда доим содир бўлиб турадиган жараёнлар учун хукукий меъёрлар ўз аксини топган. Масалан, уруш пайтларида мингбошининг хукми юзбошига, юзбоши хукмининг эса ўнбошига мажбурийлиги ва бу тартиб бузилса тегишли жазо берилиши ё бўлмаса оддий аскар, ўнбоши, юзбоши, мингбошига бериладиган маошлардаги чегаралар, фаркларни оласизми, кўйингчи, хар бир тузукда муайян бир воқеликдаги фаолиятга адолат мезонидан туриб муносабатда бўлиш кўзга ташланиб туради. Демак, Амир Темур ўз тузукларини ишлаб чиқиб хаётга татбиқ киларкан, энг аввало, бир нарсани — жамиятда мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатларни конуний асосга кўйишни мўлжал килган. Бунда олий хукмдор — давлат рахбари олдида турган масъулиятни ҳам унутмаган. Унингча, давлат рахбари бир сўзли, ўз ишини ўзи билиб килиши, ўзи ва атрофидагиларга адолатли бўлиши, холис, катийлик билан иш юритиши, фикрлар хилма-хиллигидан чўчимаслиги, кизиккон бўлмаслиги, мулохаза билан иш юритиши лозим.

Талаблар нафакат фукаро ё, кўрганимиздагидек, хукмдорга нисбатан, балки хокимият идоралари олдига ҳам кўйилгани маълум. «Агар, — дейилади «Тузуклар»- да,— (хароб бўлиб ётган ерларнинг) эгаси бўлса-ю, (лекин) обод килишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олаин». Кўриниб турганидек, фукародан бир нарсани талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоғи лозимлиги конунлаштирилган. Бу борада янада чуқурлашиб борилиб қуйидаги ҳуқуқий меъёри юзага келган: «Қимқи, бирон саҳрони обод қилса, ёқи қориз қурса, ё бирон бог қўқартирса, ёқи бирон-бир хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райийат ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олик-солик) конун-қоидасига мувофиқ хирож йигилсин». Фуқаролар ҳаёти ва фаолиятини адолатли, уларнинг манфаатига мос тарзда ташкил этишда бу билан ҳам чекланилмаганлигини Амир Темурнинг қуйидаги фармонидан билиб олиш мумкин: «Хирожни эқиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига» ва бошқа шарт-шароитларга қараб олсинлар. Мазкур мисоллар ўзбек давлатчилиги ва конунчилигининг Амир Темур давридаги мазмунини тўла равишда намоён қила олади, десак ҳато бўлмайди. Конунчиликда биринчи ўринда фукаро манфаати турган. «Негаки, — дейилади «Тузуклар»да, — райийат хонавайрон қилинса, (давлат) ҳазинаси қамбағаллашишига олиб келади... (бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг қучсиэлинишига олиб боради». Бу ҳамма қанонлар учун ҳақ гап. Зеро, иқтисодий қудратга эга бўлмаган давлат доим заиф бўлади. Иқтисодий қудратни эса халқ (райийат) яратади. Бунда адолатли конун роли беқийсдир. Амир Темур даҳосининг қирраларидан бири ҳам унинг маз-қур абадий ҳақиқатни аңғай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади.

Икки оғиз харбий сиёсат ҳақида. Амир Темурнинг мазкур масала бобидаги дунёқарашини унинг қуйидаги сўзлари орқали билиб олиш мумкин: «Давлат ишларининг тўққиз улуши қенга, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо қелтирилишини аңғайди». Демак, сиёсат ва бошқарувда Амир Темур қиличга, яъни зўрликка қанат бир улушгина эътибор ажратяпти. Унинг байроғи эса доимо сиёсат ва тадбир бўлиб қелган. Шу билан бирга тарих Амир Темурни эңг буюқ сарқардалардан деб қилади. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо бизнинг фикримизча, Амир Темурнинг харбий санъат борасидаги буюқлиги унинг эңг асосий фазилати — буюқ давлат арбоблигининг бир қиррасини ташкил этган, қолос. Зеро, унинг харбий сиёсати бош мақсад — қудратли давлат ва салтанат барпо этиш ишига қизмат қилган. Масаланинг бу томонига алоҳида ургу беришимизнинг сабаби бор. Чунки шу қоққача ва баъзан қозирда ҳам Амир Темурнинг фаолияти ҳақида сўз қетганда унинг харбий сарқарда, лашқарбошилигига қўпроқ эътибор берилиб, унда у қўлга қиритган харбий ютуқлар ҳақида сўз қетган. Бу билан унинг умри қанат урушларда ўтгандай бўлиб қолади. Вақоланқи, Шомий, Яздий, Натанзий, Қофиз Абру ва бошқа тарихчилар асарларининг таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, Амир Темур харбий тадбирлар билан тўғридан-тўғри ўрта қисмда йилда бир неча ойгина банд бўлган. Қолган вақт давлат ва салтанат ишларига бағишланган. Аслида эса, таъқидланганидек, харбий сиёсат унинг бош мақсадининг амалдаги тарқибий қисми эди, қолос. Шу билан бирга қатта истиснод эгаси сифатида мазкур соҳада ҳам Амир Темур бошқалардан ажралиб турган.

Бунинг исботини биз «Тузуклар»нинг мазкур масалага оид боблари билан танишиш борасида яққол кўри-шимиз мумкин. Амир Темур лашкарида хар бир аскар, хар бир қисм фаолияти, яъни маоши, харбий аслахалар билан таъминоти, хизмат пиллапояларидан кўтарилиб бориши, навкар билан унинг беги ўртасида хизмат муо-маласи, уруш пайтларида харбий тактика каби барча масала ва тадбирлар олдиндан ўйланиб, муайян бир тартибга солинган эди. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур лашкарида катъий хизмат ва ташкилий интизом ўрнатилган, ким нима билан шугулланиши, нимага жавоб бериши аниқ кўрсатиб кўйилган. Хатго иқир-чиқир масалалар ҳам олдиндан кўрсатилиб ўтилган. Масалан, оддий аскарнинг харбий юришга тайёргарлигидаги талабларни олайлик. «Юриш вақтида оддий аскарлардан хар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир, хар бир аскар икки от, бир камон, бир садок ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, битта қоп, жуводуз, болта, ўнта игна ва чарм халта олеин», дейилган «Тузуклар»да. Худди шунга ўхшаш баходирлар, ўнбошилар, юзбошилар, мингбошилар, амирлар учун зарур ҳисобланган қурол-аслахалар тафеилоти ҳам берилган. «Тузуклар»да амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўн бошилар ва бошқа харбийларга маош белгилаш тартиби ҳам аниқ кўрсатилганини эсласак, шу нарса маълум бўладики, Амир Темур бўлажак харбий тадбирларга, энг аввало, тинчлик шароитида, лашкарни хар жихатдан таъминлаш, у тўғрида қайгуриш орқали тайёргарлигини кўриб кўйган. Бир сўз билан айтганда, унинг лашкардан, лашкарнинг эса ундан кўнгли тўқ бўлган ҳолда жангларга киришилган. Амир Темур Жанг суратини ҳам олдиндан режалаштириб кўйгани маълум. Чунончи, у жорий қилган тартибга кўра, агар ганим лашқари ўн икки мингдан ортиқ, лекин қирқ мингга етмаса, лашкарбошилиқ шахзодалардан бирига юклатилган. Агар ганим кўшини қирқ мингдан ошиқ бўлса, у ҳолда Соҳибқироннинг ўзи лашқарга бошчилик қилган.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг шахсан ўзи яққам-яққо олишувлардан тоймаганлиги хақида ҳам маълумотлар бор. Чунончи, 1379 йили Урганч қамал қилинаётган бир пайтда у Юсуф Сўфийга юзма-юз чиқишга отланади, аммо рақиби олишувга чиқмайди. Худди шунга ўхшаш ҳол 1383 йили Сейистон юришида бўлиб ўтган. Хуллас, Амир Темурнинг мардлиги ва шахсий намунаси лашкар руҳини кўтаришда қатта аҳамият қасб этгани шубҳасиз.

Шароитга қараб Амир Темур лашкарнинг саф тортиши, жангга кириш тартибини ўзгартириб турган. 1391 йили Тўхтамишхонга қарши жангда илғари ҳеч қимга маълум бўлмаган янги харбий тактикани қўллаган. Амир Темур тарихчиларидан Шомийнинг ёзишича, «Соҳибқирон лашқарини сафлаб етти қисмга шундайин муқаррар этдики, унинг васфи ва баёнига киши ожизлик қилади». Мазкур гувоҳликдан чиқадиган хулоса шуки, бу гоётда мураккаб ва қамёб харбий тактика бўлган.

Амир Темур харбий юришларни ниҳоятда пухталиқ ва ортиқча шов-шувсиз тайёрлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам унинг кўшинлари ганим учун қутилмаган вақт ва ерда пайдо бўлиб, кўкқисдан ҳамла қилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Соҳибқироннинг ҳар бир йирик харбий юришдан олдин кенгаш ўтказиши одат тусига қирган. Кенгашда у барча йигилганларнинг фикрини тинглаб, мазкур шароитда энг мақбул йўлни танлашга ҳаракат қилган.

Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур даврида ташкил разведка фаолияти ниҳоятда юксак даражада йўлга қўйилган. Мазкур хизмат вакиллари чаканафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, хунарманд, мунажжим, каландар, дарвиш, денгизчи, сайёҳ, мешқобчи, этиқдўз, толиб никоби остида турли мамлакатларда бўлиб, у ерлардаги шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, тоғу тошлар, сувлар, ҳар бир жойнинг аҳолиси, бошлиқлари, улуглари, амирлари, фозиллари, шарифлари, бойу камбағаллари тўғрисида ҳар томонлама батафсил маълумотлар йигиб, хагго суратлари билан Самарқандга юбориб турганлар. Бу билан ҳам чекланмай, Амир Темур харбий, сиёсий муносабатларга қиришаётган мамлакатлар тарихи, урф-одатларига оид асарларни синчиқлаб ўрганган.

Демак, Амир Темур харбий сиёсати, энг аввало, давлатни мустаҳкамлаш, хавфдан сақлашга йўналтирилган бўлиб, бу сиёсатни пухта йўлга қўйишда Соҳибқирон масаланинг иқтисодий, техникавий, илмий (мамлакатлар, шаҳарлар, йўллар, халқлар, душман лашқарлари, табиий-иклим шароитларини ўрганиш ва хоказо), ташкилий томонларига катта эътибор билан қараган. Худжи шу йўл уни харбий санъат борасида юксакликка олиб чиққан.

Шундай қилиб, биз Амир Темур даври давлат бошқаруви, конунчилиги, харбий санъат масалаларига оид мулоҳазаларни билдирдик. Мазкур соҳаларда олиб борилган ҳаракатлар бир мақсадга: давлатни қудратли ва жамиятни иқтидорли этишга қаратилганини ёдда тутиш биз учун гоятда муҳимдир.

**Азमत Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” китобидан**